

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Хоразм вилояти Мактабгача
таълим бошқармаси бошлиғи

Якубова И.Б.

26 апрель

2022-йил

Хоразм вилояти Мактабгача таълим бошқармасига қарашли вилоят
ҳудудидаги 106 та мактабгача таълим ташкилотларига кўмири
маҳсулотларини етказиб бериш бўйича

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БУЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ҲУЖЖАТЛАРИ**

Буюртмачи: Хоразм вилояти Мактабгача таълим бошқармаси

Хоразм вилояти 2022-йил

УМУМИЙ ҚИСМ

ЭНГ МАҚБУЛ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1.Умумий ҳолат

1.1 Ушбу Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3550 Қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Энг яхши таклифларни танлаш мавзууси: **Хоразм вилояти Мактабгача таълим бошқармасига қаршали вилоят ҳудудидаги 106 та мактабгача таълим ташкилотлигига кўмири маҳсулотларини етказиб бериш бўйича**

1.3 Энг яхши таклифларни танлаш таклифида бошланғиши нархлардан ошмаслиги керак.

1.4 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг техник қисмida келтирилган.

1.5 Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

2.Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи – **Хоразм вилояти Мактабгача таълим бошқармаси** (бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи Харид комиссияси (бундан кейин – “Харид комиссия”).

2.4 Энг яхши таклифларни танлаш камида олти аъзодан иборат “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3.Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4 Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш тартиби

4.1 Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун маҳсус маълумот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);

б) Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг мақбул таклифини тақдим этиш;

4.2 Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

Таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни ўтказиб бериши шарт.

4.3 Иштирокчиларнинг Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишлари тақиқланади:

Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;

“Буюртмачи” билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;

Ягона реестрда виждонсиз изярочилар;

Солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

4.4 “Буюртмачи” иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш, давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш;

иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

5. Танлаш таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

5.1 Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари танлаш эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

5.2 Лойихачилар тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.

5.3 Танлаш таклифи қўйидагилардан иборат:

нарх қисми танлаш шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати, танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб ва бошқалар. Талабгор танловга қатнашиши билан ушбу шартларнинг барчасига розилигини билдиради.

5.4 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари энг яхши таклифларни танлашда қатнашиши учун қўйидаги ҳужжатларни тўлдириши керак.

1-шакл Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Шунингдек, иштирокчи таклифни, шу жумладан барча танлаш хужжатларини тайёрлаши керак, уларни сканерлаштирилган электрон шаклда махсус etender.uzex.uz порталига раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган холда жойлаштириши керак. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳар бир лот бўйича фақат битта таклиф беришга ҳақли.

5.5 Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш, иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камидан иккита тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилган бўлса, энг яхши таклифларни танлаш ўтказилган деб топилади.

5.6 Техник таклиф қўйидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак: техник хужжатлар рўйхати (техник маълумотлар ва рақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар).

5.7 Ушбу танлашга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий хужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

5.8 Харид комиссияси фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

6.Энг яхши таклифларни танлаш тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

6.1 Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлашни баҳолаш бўйича харид комиссияси.

6.2 Таклифларни кўриб чиқиша барча хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли хужжатлар бўлмаган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

6.3 Харидкомиссияси энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлаш хужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

6.4 Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

6.5 Таклиф Қонун, меъёрий хужжатлар ва энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талабларига мос равища бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

6.6 Харид комиссияси агар уни тақдим этган танлаш иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлаш иштирокчиларининг таклифи бўйича энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

6.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Харид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равища, ёзма равища, танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифининг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

6.8 Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

7.Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги маҳфийлик.

7.1 Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қўйидагиларга тегишликирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлайди Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гурӯҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (микдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

Харид комиссияси

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА
АРИЗА**

Мен, _____ (*харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қўйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш хужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириткириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.:_____

Телефон/факс рақами:_____

Электрон почта манзили:_____

Имзо:

М.Ў.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА
УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Очиқ эркин савдолари иштирокчисининг номи _____

Манзили ва телефон (факс) рақами _____

Юридик мақоми _____

Гувоҳнома рақами ва санаси _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Рахбар ва унинг ўринбосарлари:

№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иштажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ва доимий ходимлар (ЛБМ, ЛБА ва етакчи мутахассислар)

Тартиб №№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Корхона раҳбарининг имзоси _____

Тузиш санаси «___» 2022 й.

М.Ў.